ЯНА ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДА ДИЙДОР КЎРИШГУНЧА!

КЕЧА ТОШКЕНТДА ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 16 октябрь, жума № 204 (21.302).

Ўзбекистон—Хитой

ХХР элчихонаси очилди

Жаҳоннинг буюк давлатларидан бири Хитой билан муносабатларимиз тобора ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг шу йил баҳорида ХХРга қилган расмий ташрифи Осиёдаги йирик мамлакат билан алоқаларимизда янги босқични бошлаб берди. Ташриф чоғида томонлар ўртасида ўн бешдан ортиқ муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар имзоланди. Диёримизда кўплаб ўзбек—хитой қўшма корхоналари ишга тушди. Тошкентдан Ўрумчига ҳаво йўли очилди. Темир йўл қатнови йўлга қўйилди.

Кеча Тошкентда ХХРнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси очилди. Пойтахтимиз ҳаётидаги катта воқеа — элчихона очилишига бағишланган тантанали маросимга шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, республика давлат ва ҳукумат идораларининг масъул ходимлари, хорижий давлатларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари бошлиқлари, таълим хитой тилида олиб борилувчи мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари келишди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гуань Хеньгуан йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади. У ўз мамлакати мустақиллик йўлига дадил ўтган Ўзбекистон Республикасини биринчилар қатори тан олиб дипломатик муносабатлар ўрнатганини қайд этди. Мамлакатларимиз қадимий ипак йўли тикланиб гавжум бўлишини истайдилар. Элчи Ўзбекистон Президентининг Хитойга қилган расмий сафари билан бошлаб берилган икки буюк мамлакат ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар давом этишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ХХР элчихонаси очилиши билан хитой дипломатларини самимий қутлади ва Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантиришда уларга муваффақият тилади. Бугунги кунгача, деди вазир, Ўзбекистон Республикасини жаҳоннинг 122 та давлати тан олди, 51 мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди...

ХХР давлат гимни садолари остида элчихона саҳнида Хитой Халқ Республикасининг давлат байроғи кўтарилди. Сўнгра Хитой элчихонасида тантанали қабул маросими бўлди. Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби А. Саидов иштирок этдилар.

А. АБДУБАННОПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — БАНГЛАДЕШ

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Бангладеш Халқ Жумҳурияти ўртасида дипломатия ва консуллик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

(ЎзА).

ХДП: одамлар орасида

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расуловнинг Наманган тикувчилик бирлашмаси меҳнат жамоаси билан учрашуви қизғин, мулоқотларга бой бўлди.

Маҳмуд Мўминович ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун ҳар бир киши ўз ўрнида сидқидилдан меҳнат қилиши лозимлигини таъкидлади. Халқимизни ҳозирги қийин вазиятдан эсон-омон олиб чиқиш учун республика Президенти И. А. Каримов ва ҳукумат раҳбарлари барча имкониятларни ишга солаётганини мисоллар асосида гапириб берди. Учрашув сўнггида бир гуруҳ ишчиларга янги партия билетлари тантанали равишда топширилди.

Биринчи котиб Наманган шаҳар кўп қиррали болалар шифохонаси фаолияти билан танишди. Бу муҳташам, барча қулайликларга эга шифохона республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган. Президентимиз И. А. Каримов фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида давлат бюджетидаги ташкилотларга катта ғамхўрлик қилинаётганидан мамнунмиз, — дейди шифохона бош врачи О. Шодиева. — Биз шифокорлар бунга албатта ўзимизнинг сидқидил меҳнатимиз билан жавоб қайтарамиз.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда вилоятда медицина соҳасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай вилоятда зарур объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Болалар шифохонасининг ишга тушгани ҳам фикримизнинг далили. Кейинги бир йилда вилоятда болалар ўлими 15—20 фоиз камайди. Яқин келажакда бу соҳада туб бурилиш ясаш учун барча имкониятлар бор.

Саркотиб Наманган шаҳридаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ҳам учрашди. Унда бошланғич партия ташкилотларида партия билетлари топшириш қандай бораётгани ҳақида атрофлича фикр юритилди. Учрашув сўнггида М. Расулов билан йиғилганлар ўртасида саволжавоблар, жонли мулоқот бўлиб ўтди ва ўндан ортиқ партия аъзоларига янги партия билетлари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расуловга сафар чоғида Наманган шаҳар ҳокими А. Икромов, ХДП вилоят ва шаҳар кенгашлари биринчи котиблари Б. Аҳадов ва М. Мамадалиев ҳамроҳлик қилдилар.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФЕСТИВАЛЬ БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ



Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган Ватанимиз, унинг пойтахти Тошкент замини олтин яп-роқлар ила тўшалган куз фаслида ўзининг дўстларига вафодор, байналмилал макон эканлигини яна бир бор жаҳонга кўз-кўз қилди: бир ҳафта муқаддам тантанавор очилган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали ниҳоясига етди.

Алишер Навоий номидаги санъат саройида уч қитъа мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали йиғилишда эзгулик, тотувлик, халқлар ўртасидаги тинчлик ҳақида, меҳр-оқибат, бир-бирига ҳамдардлик, елкадошлик ҳақида гапирилди.

Йиғилишни очган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, кинофестиваль ташкилий комитетининг раиси Э. Саманда-ров мазкур тадбир муваффақиятли ўтганини, унинг уфқи янада кенгайиб, умумжаҳон тусини олаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали ҳакамлар ҳайъати бошлиғи туркманистонлик машҳур кинорежиссёр Хожиқули Норлиевга сўз берилади. Х. Норлиев ҳакамлар ҳайъати қарорини йиғилиш аҳлига маълум қилади.

Тантанавор мусиқа садолари остида фестиваль байроғи туширилади.

(Бу ҳақдаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида берилади).

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СОВРИНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалининг сўнгги куни унинг меҳмонлари ва қатнашчилари учун Ўзбекистоннинг бир қанча жамоат ташкилотлари таъсис этган совринларни топширишдан бошланди.

Киноанжуман экранларида замонамизнинг долзарб муаммоларини акс эттирувчи кўпдан-кўп фильмлар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Танлов кўригида 14 та лента, ахборот кўрсатувида сал кам 70 та фильм намойиш этилди. Ҳамма асарларнинг ҳам бадиий савияси тенг бўлмасада, ҳар ҳолда уларнинг ижодкорлари кўтарган муаммолар томошабинларни тенг даражада бефарқ қолдирмади.

Ўзбекистон экология ва сиҳат-саломатлик жамғармаси — «Экосан» атроф муҳит муаммоларини ифодаловчи энг яхши фильм учун махсус совринни таъсис этди. Бу мавзу Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпчилик давлатлар учун долзарб мавзудир. Хитойнинг «Ши Мэн авлоди» лентаси шу жиҳатдан энг яхши деб топилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари конфедерацияси фестивал фильмларида ижтимоий муаммоларни акс эттирганлик учун ўз совринини таъсис қилган эди. Мисрнинг «Қўғирчоқсоз» фильми шу совринга сазовор бўлди. Покистон актрисаси Сомина Пирзодага «Наврўз» хайрия фондининг соврини топширилди. «Меҳр-мурувват» деб аталган бу совринни Покистон экрани юлдузининг «Мўътабар муҳаббат туйғуси» фильмидаги она ролини қойилмақом ижро этгани учун берилди. Дарвоқе, Сомина ва унинг соҳибжамол касбдошлари — туркиялик Ғамза Тунар ва бангладешлик Гулшан Ара Акхтер «Кинофестивал маликаси» унвонини олдилар.

Жамоат ташкилотларининг ҳамма совринларини ҳам, шунингдек уларга сазовор бўлган фильмларни бирма-бир айтиб ўтиш қийин. Кўпгина ленталар фестивал ташкилот комитетининг махсус совринлари билан тақдирланди. Улардан бири — режиссёрнинг энг яхши иши учун совринни «Қолақол» фильмининг ижодкорлари ўзбек кинематографиячиларидан Ж. Исҳоқов билан Р. Саъдуллаевга берилди. «Ўзгаларнинг байрами» (Марокаш), «Кимга тўй, кимга аза» (Колумбия), «Ғазалхон» (Озарбайжон) фильмлари, турли мамлакатларнинг кинематографиялари тақдим этган бошқа бир қанча ленталар ташкилот комитетининг совринларига сазовор бўлди. «Ватанпарлик комедияси» (Россия), «Йиғлоқи қиз» (Қирғизистон) фильмларига кинематографчилар уюшмасининг соврини топширилди.

Ташкилот комитетининг соврини кинофестиваль президенти Малик Қаюмовга топширилганида, ҳозир бўлган кишилар уни айниқса самимий табрикладилар. Чунки республика кинематографиясининг асосчиларидан бири, ўз ишига жон-тани билан берилган бу инсон ҳозирги кино анжуманни ўтказиш учун кўп иш қилди.

И. ГРЕБЕНЮК,
Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: СОВРИНЛАР ТОПШИРИШ ПАЙТИ.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ, В. МИЛЕНЬКИЙ олган суратлар.

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академияси Қорақалпоғистон бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Яширин овоз бериш йўли билан бўлимнинг раёсати сайланди. Академик Ж. Медетуллаев раёсат раиси бўлди. Унинг муваққат низоми ҳам тасдиқланди.

* * *

Самарқандда фазо нурлари муаммолари бўйича XI минтақаларо конференция очилди. Буюк олим ва мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган анжуман тўрт кун давом этади. Олимлар илмий мажлис ва мулоқотларда мазкур масала юзасидан фикр алмашадилар.

* * *

«Деҳқонобод» ижара хўжалигида Биринчи май, Чучуккудуқ, Бешбулоқ қишлоқларига Оқбош тоғидан тоза ичимлик сув келтириш мақсадида салкам 40 километр қувур ётқизилди. Ҳадемай 450 хонадон зилол сувдан баҳраманд бўлади.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унинг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов қатнашди.

* * *

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби республиканинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши дастури бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар. Конституция лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

(ЎзА).

ПАХТАКОРГА МАДАДКОР

● Пахта йиғим-терими авж олаётган шу кунларда шифокорлар ҳам ўз ўринларини пахтазорда деб билмоқдалар.

Мавсум бошидан бери Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлими ҳузурида пахта штаби ишлаб турибди. Уларнинг ташаббуси билан вилоятдаги ҳамма дала шийпонларининг санитария-эпидемиология ҳолати кўздан кечириб чиқилди. Айниқса, ғўзаси дефолиация қилинган майдонларда ишлаган одамлар кўрикдан ўтказилди.

Пахта мавсумида учрайдиган айрим касалликларнинг олдини олиш мақсадида жойларга 5 мингта варақа, 1500 та яхлит кўргазмали қуроллар тарқатилди. Пахтакорларни дори-дармонлар билан бевосита таъминлаш учун махсус 22 та автомашина жалб қилинди. Шунингдек, дала шийпонларига 2 мингта дори сақланадиган қутича қўйилди. 5 мингта кўчма дорихонача ташкил қилиниб, зарур дори-дармонлар билан таъминланди.

М. КАРОМОВ.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,90	58,56
Андижон	2,79	53,63
Бухоро	2,45	50,18
Наманган	3,29	43,65
Сурхондарё	2,13	42,13
Хоразм	2,20	39,82
Қашқадарё	3,21	35,34
Қорақалпоғистон Республикаси	1,76	28,60
Навоий	2,22	24,39
Тошкент	3,34	20,19
Самарқанд	1,98	12,93
Сирдарё	2,30	10,06
Жиззах	2,22	8,58
Республика бўйича	2,47	34,31
1991 йилдагиси	2,25	81,81

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Шеробод районидаги Н. Муродов номли давлат хўжалиги пахтакорлари бу йилги ҳосил йиғим-теримини машина-механизмлар ёрдамида ўтказишга алоҳида эътибор беришмоқда. Хўжаликнинг Қ. Алимов бошчилик қилаётган 8-бўлимида машина терими авжида.

СУРАТДА: (чапдан) бош муҳандис Ф. Маматқулов, хўжалик директори Ш. Бекқелдиев ва механизатор Б. Холмирзаевлар ҳосил чўғидан мамнун.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ТЎҚ БЎЛСИН

ПАЙАРИҚДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛГАНЛАР СОНИ МИНГ КИШИГА ЕТДИ

Бу аслида бежиз эмас. Районда ижтимоий фаоллик кун сайин кўтаринки тус олмоқда. Пайариқликларнинг шиори шундай: осойишталик, ҳамкорлик, жўшқинлик, фидокорона меҳнат.

Район ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Сайдулла Бойзоқов етти ўлчаб бир кесадиганлардан.

— Ҳозирги шароитда мақсадимиз битта, у ҳам бўлса — қишлоқ аҳлини бозор иқтисодининг мураккаб жараёнида ижтимоий ҳимоя қилиш, — дейди у. — Деҳқоннинг кўнгли тўқ бўлса, унумли, самарали меҳнат қилади.

Дарҳақиқат, бу борада районда ибратли ишлар амалга оширилаётир. Бултур режадан ортиқча сотилган 674 тонна толанинг пули деҳқонларга мукофот тарзида берилди. 90 минг сўм олганлар ҳам бўлди. Бу йил 1,5 минг тонна толани эркин нархда сотиш мўлжалланмоқда.

Ғалладан 55 миллион сўм даромад қилинди. Аҳолига етарли дон ғамлаб қўйилди. Эплаганлар мавжуд 15 та тегирмонда ун қилиб олишди. Ҳокимнинг фикрича, дон харид нархини ҳали яна ошириш зарур. Умуман қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бу йил рентабелли бўлди. Насиб этса пахтанинг салмоғи ҳам ёмон эмас...

Ҳозир далаларда терим агрегатлари ишлаяпти. Бешолти кундан кейин ҳар бирининг унумдорлиги кунига 8—10 тоннага чиқади.

Пайариқда қишлоқ саноати янги соҳа. Америка — Ўзбекистон «Сангзор» корхонаси бу ерда 30 минг тонна пахтани қайта ишловчи завод ва унинг атрофида шаҳарча қураяпти. Қишлоқларда ҳашар авжида. 15 та мойжувоз, йилига бир миллион шартли банка консерва тайёрловчи кичик завод, Эмалач, Қирғовул қишлоқларида ўрта мактаб, «Навбаҳор» жамоа хўжалигида пахта қабул пункти ана шу усулда қисқа муддатда барпо этилди. Бундан ташқари аҳоли ўзи учун йилнинг ўтган даврида 21 минг квадрат метр ҳажмда уйжой қуриб олди. 780 хонадонга табиий газ ўтказилди. Район территориясида 75 та кичик корхона, 65 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Ҳоким Халқ демократик партияси район кенгаши биринчи котиби Фармон Хўжанафасов билан доимо ҳамкорликда ишлар экан. Ҳар қандай йиғилиш ва анжуманда ХДП Низоми ва Ҳаракат дастурининг моҳияти ҳақида гап-сўз қилинади. «Халқобод» ижара хўжалиги директори Мансур Қўшбоев ХДП Марказий Кенгаши, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Эрдош Аҳадов вилоят партия кенгаши бюроси аъзосидир. Ўз навбатида партия кенгаши ҳам районда ижтимоий фаолликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётир. Бу эса ўз навбатида деҳқонларнинг яхши кайфият ва юксак унум билан меҳнат қилишига имконият яратмоқда.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕНГАШ ҲИСОБИДАН

● ХДП Чилонзор район кенгаши ўз ҳисобидан бир гуруҳ партия фахрийларини 1993 йил учун «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна қилди.

Партия кенгашининг ташаббуси Қизил ярим ой жамиятининг район комитети томонидан ҳам амалий қўллаб-қувватланди. Кўп болали онлалар ҳамда ёлғиз қариялардан бир гуруҳи партия нашрларига Қизил ярим ой жамияти ҳисобидан бепул обуна қилинди. Бунда 5-ҳудудий партия ташкилоти котиби Р. Ҳожибоев ташаббускор бўлди.

Х. ҒОЙИБОВ,
Чилонзор район 1-ҳудудий партия ташкилотининг котиби.

ОБУНА БАҲОСИ:

● БИР ЙИЛГА 384 СЎМ,
● 6 ОЙГА — 192 СЎМ,
● 3 ОЙГА — 96 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ РОЛИ

Давлат мустақиллигига эришиш, бозор муносабатларига ўта бошлаш, маъмурий-буйруқбозлик ва тоталитаризм усулидан қутилиш муносабати билан тайёрланган Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасидаги шаклан анъанавий қоидаларни ва янги ҳолатларни ўрганар эканмиз, қуйида давлатнинг ижтимоий роли (функцияси, аҳамияти, бурчлари) тўғрисидаги масала юзасидан мулоҳаза юритамиз.

Лойиҳага мувофиқ давлат халқ иродасини ифодалашни, унга хомийлик ва хизмат қилишни, ўз фаолиятини адолатли равишда амалга оширишни зиммасига олади (2, 14, 22-моддалар). Ўтиш даврининг ҳозирги мураккаб шароитида аҳолини айниқса, унинг ночор табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Улар қаторига пенсионерлар, ногиронлар, студентлар, ўқувчилар, етимлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, давлат бюджетидан иш ҳақи олувчи фуқаролар киради. Уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича 1991 — 1992 йиллардаёқ республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қатор фармон ва қарорлар қабул этдилар. Бу ҳужжатларда моддий таъминотга ва уй-жой масаласига оид қатор имтиёзлар белгиланган.

Давлатнинг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатувчи яна битта қоида лойиҳанинг 43-моддасида ўз аксини топган. Унда айтиладики, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлади. Демак, сўнгги йилларда шу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Бу гуруҳдаги кишилар аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этар экан, улар давлат ёрдамига муҳтождир. Шунингдек давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитишни таъминлашни, улар учун хайрия фаолиятини рағбатлантиришни ўз зиммаларига оладилар. Президентимизнинг 1992 йил 8 октябрдаги Фармони билан «Маҳалла» хайрия жамғармасига кўрсатилган гуруҳ шахсларга бериш учун 25 миллион сўм пул ажратилди. Бу ҳам юксак инсонпарварлик рамзидир.

Давлатнинг ижтимоий функциясига аввало меҳнат билан боғлиқ бўлган масалалар киради. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ва касб танлаш ҳуқуқи аввалги Конституцияларда ҳам мавжуд эди. Давомийлик қоидасига содиқ бўлган янги Конституция лойиҳасида шу масалада шундай дейилган: «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» (36-модда). Бизнингча, бу қисқача берилган қоида ҳозирги пайт шароитига мос келади. Бунда ягона йўл давлат кўмаги билан ижтимоий ва якка тартибдаги иш жойларини кўпайтиришдан иборат. Чунки иш ва машғулот билан таъминланганлик ҳар бир шахс ва оиланинг ҳаёти учун белгиловчи шартдир. Меҳнат юзасидан юқорида келтирилган қоиданинг аҳамияти ва моҳияти ана шунда ифодаланади.

Меҳнат қилган кишиларнинг одатдаги конституциявий дам олиш ҳуқуқи ҳам лойиҳада ўз аксини топган. Унинг 37-моддасида кўрсатиладики: «Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар». Бу давлат, жамоат ва кооператив ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларида меҳнат қилувчиларга оиддир. Ушбу қоидага мувофиқ фуқароларнинг иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати илгаригидек давлат томонидан махсус қонунда белгилаб қўйилади. Якка тартибда меҳнат қилувчиларнинг дам олиш масаласи эса уларнинг ўз хоҳиши билан ҳал этилади. Яхши, маданий дам олиш ҳар бир кишига меҳнат унумдорлигини ошириш, ўз соғлиғини мустаҳкамлаш учун зарурий шартдир. Шу боисдан ҳақ тўланадиган таътилнинг давлат томонидан кафолатланганлиги, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишловчиларга белгиланган имтиёзлар жиддий ижтимоий аҳамиятга эга.

Лойиҳанинг 38-моддасига биноан ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ҳозиргидек ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлади. Пенсиялар тўғрисида кейинги йилларда қабул этилган қонунларга мувофиқ унинг ҳажми ходимнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи миқдорига қараб белгиланиши ҳатто турли сабабларга кўра мутлақо ишламаган шахслар учун ижтимоий пенсия берилиши ўта адолатли тадбир бўлди. Пенсиялар ҳажми замон талаби ва шароитига қараб ошиб борянти.

Конституция лойиҳаси (39 ва 40-моддалар)да аввалгидек фуқароларнинг яна иккита ижтимоий ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Улар ҳар кимнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва билим олиш ҳуқуқларидир. Тиббий ёрдам олиш ҳозирча расман бепул.

Бизнингча, бозор муносабатлари шароитларида ҳам фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш, ҳеч бўлмаганда касалликдан даволанишда кўрсатиладиган ёрдам бепул бўлмоғи лозим. Шундай экан, соғлиқни сақлаш соҳасига давлатнинг моддий ёрдами зарур бўлиб қолади. Лойиҳада бепул умумий таълим ҳам давлат томонидан кафолатланганлиги айтилади. Бу яхши, албатта. Бироқ жамият ривожланишини, маданият тараққиётини белгилашда, фуқароларга касб ўргатишда белгиловчи роль ўйнаётган ўрта махсус ва олий таълимни ҳам давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатини давом эттириш керак.

Илгариги Конституциямиздан фарқли ўлароқ, янги Асосий Қонун лойиҳасида фуқароларнинг уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи ва унинг кафолатлари кўрсатилмаган. Тўғри, бу бозор муносабатларига ўтилиши, давлат квартираларининг хусусийлаштирилиши билан боғлиқ, албатта. Бироқ уй-жойнинг ҳар бир инсон ҳаётида ўта муҳим аҳамиятини инобатга олиб, янги Конституцияда ҳеч бўлмаганда битта моддани шу масалага бағишлаш, унда давлатнинг фуқаролар учун уй-жой қуриш бўйича ўз зиммасига оладиган маълум вазифаси ифодаланиши кенг меҳнаткашлар манфаатига жавоб берган бўлар эди. Уй-жой қурилиши — унга ер ажратилиши, қурилиш материалларининг мавжудлиги, ҳозирги замон архитектураси билан боғлиқ. Бундай масъулиятли ишни эса давлат яхшироқ ташкил этиши мумкин. Масалан, давлат уй-жой қуришни ташкил этиб, уни аҳолига баҳосини узоқ муддатларда тўлаш шарти билан сотиши мумкин.

Хуллас, янги Конституция лойиҳасида давлатнинг ижтимоий ҳаёт соҳасидаги сиёсати қатор масалаларда ўз аксини топган, айрим ҳолларда эса уларни янада такомиллаштириш ва кучайтириш мумкин. Худди шунингдек фан, техника ва маданият ривожи давлат ёрдамига муҳтож бўлиб қолаверади. Шу масалада ҳам фикримизча, лойиҳага махсус модда киритилмоғи лозим.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.
У. ЧОРИЕВ,
ҳуқуқ фанлари доктори.

• *Инсон ва табиат*

СУВИДАН ТАШВИШИ КЎПРОҚ

● РИЗҚ-РЎЗИМИЗ, об-ҳаёт манбаи бўлгани учун ҳам биз уни ардоқлаб, фахр-ифтихор билан «она дарё» деймиз, сувининг ҳар томчисини гавҳарга, дурга қиёслаймиз. Гоҳо бебош асовлиги боис «ўжар дарё» деб ҳам қўямиз. Бекорга эмас, албатта. У қирғоқ емиришга, кўпинча кутилмаганда ўзанини ўзгартириб, йўлидаги сунъий дамба ва тўсиқларни бирма-бир домига тортиб, эл-юртни беҳад ташвишлантириб, хавф солиб қўйганида беихтиёр шундай деймиз.

ХОРАЗМЛИКЛАР Амударёнинг қирғоқ ямлаб, ўзанини ўзгартириб ҳамла қилишини «дегиш» деб аташади. Унинг «феъли» айниётганини билиб-сезиб олди олинса, сунъий тўсиқ—дамбалар мустаҳкамланса хўп-хўп, ғафлатда қолинса худо кўрсатмасин, дегиш, яъни табиий офат юз беради. Бунга мисоллар жуда кўп...

Экин майдонларини, аҳоли пунктларини, гидротехника иншоотларини сув босиш хавфи ва дегишдан сақловчи вилоятлараро Амударё қирғоқларини ҳимоя қилиш дамбаси ва ўзанни тўғрилаш бошқармаси мутахассислари ҳушёрлик кўрсатишади. Улар гидрометерология хизматининг июль—август ойларида мўлжалдан кўп — секундига 3300—3400 кубометр обҳаёт оқиб ўтиши ҳақидаги хабарига мувофиқ хавфнинг олдини олиш тадбирларини кўриб қўйишди.

Тахминга кўра дарё бугал «Алибободинг» участкаси атрофида панд бериши мумкин эди. Бу участка Гурлан районининг шимолий ғарбида бўлиб, «Вазир» жамоа хўжалигининг шундоқ қина юқорисида жойлашган. Дегиш юз берса, дарё билан жамоа хўжалиги оралиғида 22 мингдан кўпроқ аҳоли, ўн минг гетардан ортиқ майдон қўшни қишлоқларнинг ўн минглаб аҳолиси-ю турар-жой қўрғонлари ҳам сув остида қолиб кетиши мумкин эди. Дарё жиловдорлари бу муҳим участкадаги дамбаларни мустаҳкамлаш, уларга қўшни Қорақалпоғистоннинг Юмуртов карьеридан харсанг тош, шағал келтириб тўкиш, тупроқ тортиш ишларини июнь ойи охиридаёқ бошлаб юборишган эди.

— Тахминлар тўғри бўлиб чиқди, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Қўшим Тожимов. — Йигирманчи июлга келиб, дарё ўзининг сермавж тўлқинларини бирдан чап қирғоққа буриб юборди. Натижада шу участкани сув босиш хавфидан сақлаб турган биринчи босқич ҳимоя дамбасининг бир ярим километр узунликдаги қисмида «уйилма дегиш» пайдо бўлди. Негаки, дарёнинг шу ердаги ўзанида сув ўтадиган жой қисқариб, бор-йўғи 200 — 250метрга келиб қолган эди. Катта тезликдаги сувни дарё ўзининг торайиб қолган ана шу ўзанига сиғдиролмади. Пировардида дегиш биринчи босқич дамбанинг 800 метр жойини уч кун ичидаёқ «ямлаб» иккинчи босқич дамбага келиб урилди.

Дарё билан олишувга бир неча экскаватор ва бульдозер, 150 га яқин ағдарма автомашиналар жалб этилди. Қисқа вақт ичида карьердан 10 минг кубометрдан кўпроқ харсанг тошлар ташиб келтирилиб, дамбанинг хавфли деб ҳисобланган учта жойида баланд тўсиқлар бунёд этилди, 40 минг кубометрга яқин ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Участканинг Гурлан ва Янгибозор ноҳиялари оралиғидаги — кечув деб аталган ҳудудда ҳам қатор дамбалар таъмирланди, уларни мустаҳкамлаш ишига беш минг кубометр тош-шағал сарф этилди.

Аммо бу ерда иш ҳали-ҳануз тўхталгани йўқ. Дарёнинг танобини тортиш — дегишни олдини олиш учун кураш ҳамон давом эттирилмоқда Зеро, иккинчи босқич дамбани ҳам дарёни ўз домига олиш хавфи ҳали тўла бартараф этилган эмас.

— Аслида дарёнинг мана шу участкасидаги ҳар иккала қирғоқда ҳам дамбаларни мустаҳкамлаш бўйича катта ҳажмда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш лозим, — дейди фикрини давом эттириб Қ. Тожимов. — Бунинг учун Бухоро чегарасидан Тахиатош гидроузелигача бўлган 450 километрлик дарё қирғоқларини мустаҳкамлашдек хайрли ва машаққатли ишга жалб этилган жамоамизнинг техника қувватини ошириш, ёнилғи ва маблағ таъминотини янада яхшилаш керак. Бу борада республика Сув хўжалиги вазирлиги, «Узгипрозем» институти мутахассислари яқиндан амалий ёрдам беришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Йўқ, боя айтганимиздек, дарё ҳали қирғоққа ҳамла қилиш, дамбаларни комига тортиб, ўзанини ўзгартириш «нияти»дан қайтган эмас.

Қизиғи шундаки, 1958 йилда 8—8,5, 1969 йилда эса секундига 5,5—6 минг кубометр ҳажмда об-ҳаёт оқиб ўтган. Лекин заррача «озор» бермаган. Мана энди секундига 3300—3400 кубометр сув оқса-да, ташвиши-ю хавф хатари ортиқча бўлиб турибди.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ШОЛИКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ДАМЛАРИ

Ўлкамизда куз. Бу фасл пахтакору сабзавоткордан, шунингдек шоликордан ҳам ҳисоб сўрайди. Деҳқонлар пешона тери эвазига етиштирган пахта, полиз маҳсулотларини, шолини пешма-пеш йиғиштириб, Ватан омборига, эл дастурхонига етказиб бермоқда.

Бекобод районидаги шоли етиштиришга ихтисослаштирилган «Шоликор» давлат хўжалигининг 3.000 гектарли далалари серҳосиллиги кишига завқ бағишлайди. Қирқта ўрим-йиғим комбайнини унум билан ишлатаётган хўжалик шоликорлари ҳосил етилган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 ўрнига 50 центнердан ҳосил дони йиғиштириб, йиллик маррани барвақт уддалашни мўлжаллашаётир. Йиғиштириб олинадиган ҳосил 13 минг тоннадан ошиши кўзда тутилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) бош агроном А. Қўшмонов ва комбайн ҳайдовчиси П. Акуленколар.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ЯНГИ ҚЎМИТАНИНГ ЯНГИ ЖУРНАЛИ

● «Ҳаёт ва иқтисод» журналининг номи ўзгарадиган бўлди. У 1993 йилнинг январь ойидан бошлаб «Иқтисод ва ҳисобот» номи остида чиқа бошлайди.

Бу ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 августдаги «Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат Комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан боғлиқ. Бу янги қўмитанинг зиммасидаги асосий вазифалар Ўзбекистон тараққиёт йўлининг йўналишларини ишлаб чиқиш, ташқи иқтисодий алоқалар ишига таъсир қилиб, республика халқ хўжалигини жаҳон умумжамиятига олиб чиқиш, йирик иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммолар ечими бўйича дастур ва фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқишдан — хуллас, Ўзбекистон аҳолисининг моддий фаровонлиги учун саъй-ҳаракат қилишдан иборат бўлади.

«Иқтисод ва ҳисобот» — «Экономика и статистика» журнали ана шу янги қўмитанинг нашри сифатида иш кўради ва ўтган икки йил ичида республика ҳаётида яхшигина танилиб қолган «Ҳаёт ва иқтисод»нинг анъаналарини давом эттиради.

Журналнинг номи билан бирга унинг ички қиёфаси, мазмуни ҳам ўзгаради, тўғрироғи, янада кенг қамровли, аниқ маълумот ва далилларга бой журналга айланади.

Иқтисод ва статистика... Истиқболни белгилашда аниқ ва ҳаққоний статистик маълумот ва рақамларнинг ўрни жуда катта. Иккаласининг бирлиги жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Журнал ходимларининг мақсади — республика олдида, унинг фуқаролари олдида турган вазифаларни тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборат.

Шуни таъкидлашни истар эдикки, бу журнал ҳар бир соҳа одамлари учун асқотадиган нашр, яъни оммабоп. Биз бу янги нашрни хоҳ вазир бўлсин, хоҳ ишчи, олимми ё талаба, деҳқон ёки савдогар —ҳар қандай киши варақлаганда ўзини қизиқтирган бирор мавзуни топадиган журналга айлантириш учун интиламиз.

Биз ўзлигини, ўз келажагини ўйлайдиган қадрдон юртдошларимизни журналимизни мутолаа қилишга ва обуна бўлишга чақирамиз. Бу Сизга фақат фойда келтиради. Қолаверса, келгуси йили журнал савдога жуда кам чиқарилиши боис «иқтисод»сиз қолишингизни сира ҳам истамасдик. Хуллас, янги беминнат дастёр — «Иқтисод ва ҳисобот»— хизматингизда!

Бир йиллик обуна баҳоси учун 123 сўм 60 тийин, ярим йилга — 61 сўм 80 тийин, 3 ойга эса 30 сўм 60 тийин тўласангиз кифоя. Почта индексимиз эса қуйидагича: ўзбекча нашри — 75481, русча нашри— 75480.

Исмат ХУШЕВ,
«Иқтисод ва ҳисобот» — «Экономика ва статистика» журналларининг Бош муҳаррири.

• МУТАХАССИС МАСАЛА ҚЎЯДИ

● Қандай техника керак? Деҳқоннинг ўзи буюртма берсин, марҳамат!
● Тошкентлик мутахассислар ясаган машинага АҚШ фирмалари харидор.
● Осиёда ягона таянч корхона парчаланиб кетмасин.

ПАХТАКОРГА ЗАРУР МАШИНАЛАР

Республикамизда пахтачилик техникаси чиқаришга ихтисослашган ноёб корхона— «Узбекхлопкомаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият кўрсатаётганига ярим асрдан ошди. Кўп минг кишилик жамоа бу йиллар ичида қатор қийинчилик ва синовларни енгиб ўтди. Билим ва маҳорат машинасозларнинг самарали ва сифатли ишлашларига ёрдам бермоқда. Айни пайтда корхонага кўплаб истиқболли ишлаб чиқариш конвейерлари ва бошқа замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. Янги иқтисодий шароитларда ишлаётган машинасозлар муҳим янгиликларни амалиётга жадал жорий этмоқдалар.

Бирлашмада яқинда хом ашёни қайта ишлашда қўлланиладиган пахта тозалаш агрегатларининг янги туркуми вужудга келди. Тез кунлар ичида уни оммавий ишлаб чиқаришга киришилди. Агрегатнинг бу янги авлоди жаҳондаги машҳур машиналардан қолишмайди.

Машинасозлар ўсиб бораётган иқтисодий тангликни қандай енгмоқдалар? Корхона шарафини юксак тутиш ва таниқли чет эл фирмалари билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида бирлашмада қандай ишлар қилинмоқда? Шу масалалар хусусида «Узбекхлопкомаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **Ю. ПОПКОВ** билан суҳбатлашдик.

— Юрий Владимирович аввалги йилларда бирлашма олдида махсус истеъмолчиларни излаш муаммоси йўқ эди. Буюртмаларнинг марказлашган тизими энди ортда қолди. Ҳозирги пайтда пахтакорларнинг техникангизга бўлган аниқ талабларини ўрганиш, фақат буюртмачига керак бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга тўғри келяпти. Бунинг корхона ишига таъсири қандай бўляпти?

— Мустақил Ўзбекистоннинг асосий тармоғи — пахтачилик учун бирлашмамизнинг аҳамияти жуда катта: еттита корхонада республикага зарур бўлган пахта тозалаш техникасининг 60 фоизи ишлаб чиқарилади. Шунинг учун пахтани қайта ишлаш соҳасининг аҳволи ҳам илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг доимий ишлашига боғлиқ. Одатдаги давлат буюртмаси йўқ бўлиши, маҳсулотни истеъмолчиларга етказишнинг аввалги тизимлари барбод бўлиши бизни янги йўлларни излашга мажбур этди. 1986 йиллариёқ, бу борадаги илк қадамларни қўйган эдик.

Аввалги маъмурий-режалаштириш ишлари ва хўжалик бошқаруви тизимини истеъмолчилар билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқмоқдамиз. Талабларни чуқур ўрганяпмиз ҳамда хўжаликлар ва пахта заводлари билан доимий алоқаларни йўлга қўйдик. Тарғибот ишларини ҳам жонлантиряпмиз. Икки йилдирки, бирлашмамизда савдо бўлими фаолият кўрсатмоқда. Унинг ходимлари буюртмалар мажмуи шаклланишига тўла жавоб беришади...

— Кўриниб турибдики, машиналарингизга буюртмаларни излаш унчалик муаммо бўлиб турганн йўқ. Бу нимага асосланган? Рақобатчиларнинг йўқлигигами ёки айнан пахтакорларда зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришгами?

— Ҳозирги кунда техниканинг нархи ошиб кетди, аммо пахта толаси ҳам ундан қолишаётгани йўқ. Хатто рақобатчиси бўлмаган корхоналар маҳсулотларидан ҳам пахтакорлар бош тортаётгани оммавий ҳол бўлиб қолди. Аммо бизга бу борада қатор техник янгиликларни зудлик билан ўзлаштиргани-мизни ёрдам берди. Шунинг учун бу йилги буюртмалар реал ишлаб чиқариш имкониятларимиздан ҳам ошиб кетди. Биз оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйган кичик пахта заводларининг дастлабки 6 комплекси дарҳол ўз истеъмолчиларини топди. Уларнинг афзалликларини пахтакорлар дарров сезишди: Терилган ҳосилдан тезда тола олиш мумкин, ҳом ашёни сақлаш ва тайёрлаш пунктларига кетадиган ҳаражатлар камаяди.

— Маълумки, сизнинг маҳсулотингизга чет эл фирмалари, жумладан, оламга машҳур фирмаларда қизиқиш пайдо бўлди. Айнан уларни нима қизиқтирмоқда?

— Маҳсулот турларини кўпайтириш билан бирга линтлаш ва жинлаш, чигитдан тола ажратиш билан боғлиқ асосий ишчи комплексларини иложи борича мукаммаллаштирмоқдамиз. Бир қатор янгиликларимиз ўзининг техник жиҳатлари бўйича хориждаги мукаммал нусхалардан ҳам афзалроқдир. Айнан шу жиҳатимиз Америкининг таниқли «Люмус» ва «Карьер» фирмаларини қизиқтирди. Сўнгги ойларда бу фирмаларнинг етакчи мутахассислари ва раҳбар ходимлари бирлашмамизга келиб кетишди.

Фирмалар билан ҳамкорлик бирлашмамиз учун ҳам фойдалидир. Бизнинг янги шерикларимизда амалиёт ва тажриба жуда катта. Назорат-ўлчов асбоблари учун биринчи тоифадаги пресслар ишлаб чиқаради-ган Бельгиянинг «BBC» фирмаси билан алоқа боғлаб, ўзимизнинг кемтик жойимизни созлаб олмоқчимиз. Чунки бундай пресслар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. «BBC» билан биргаликда қўшма корхона ташкил этиш эса соҳадаги бу муаммони ҳал этиши мумкин.

— Бирлашмада иқтидорли конструктор ва муҳандислар кам эмас, буни маҳсулотингизга бўлган талаб ҳам таъкидлаб турибди. Уларнинг ижодий фаолияти ва масъуллиги маъмурият томонидан қай тарзда белгиланади?

— Бизнинг ҳатто ихтисослаштирилган ўз бош конструкторлик бюромиз бор. Унга бирлашма йилига 6 миллион сўм сарфламоқда. Ҳозир бизнинг конструкторларимиз буюртмачилар билан ўзлари ишлашмоқда. Уларнинг талабларини аниқ муҳандислик ечимларига киритишмоқда. Буюртмачига бундай муҳандислик хизмати кўрсатиш келажакда истеъмолчилар билан алоқани мустаҳкамлашга олиб келади, деб ўйлайман.

Ижодий ходимларни рағбатлантиришга келсак, бу нарса бизда очиқ кўринib турибди. Ҳар кимнинг қатъий маоши бор ва ишининг натижасига қараб қўшимча ҳақ берилади. Бу нарса фойдага нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади, Конструкторлар эса ишлаб чиқилган янгиликнинг ҳаётга татбиқ этилишидан ҳам манфаатдордирлар.

Фондларимизни тижорат фаолиятини кенгайтириш ва ўз валюта ҳисобимизни очиш эвазига кўпайтирмоқчимиз. Бунда имкониятлар бор. Масалан, Аргентинада қўшма корхона очиш учун хорижий фирма билан шартнома имзоланган. Бу биз учун фойдали «капитал келтириш», ўз янгиликларига чет элларда истеъмолчилар топишдир. Демак, бирлашма иқтисодини яхшилаш учун аниқ шароитлар мавжуд.

— Ҳозир машинасозларнинг бозорга қўникиши учун қийин давр. Шу муносабат билан бирлашма келажагини, унинг ишлаб чиқариш имкониятларини қандай тасаввур қиласиз?

— Ўйлайманки, энг муҳими иқтисодий бозор «Узбекхлопкомаш»нинг улкан ноёб касбини парчалаб юборишига йўл қўймаслик зарур. Бўлинган, тор кўчага кирган ишлаб чиқариш эмас, фақат бирлашган, аҳил жамоагина ўзбекистонлик пахтакорларга яхши пахта тозалаш машиналари ва жиҳозлар тайёрлаб беришлари мумкин. Шунинг учун давлат корхоналарини акциялашда бирлашма қўлига акцияларнинг контрол пакетини қолдириш, унинг кучли асосида ягона холдинг комплексини тузиш давлат учун фойдали бўлур эди. Фақат замонавий машиналаргина республикани ва унинг шерикларини сифатли пахта толаси билан таъминлайди, биз учун асосий вазифа шу.

Суҳбатдош: М. РАШИДОВ.

(Қалам ҳақини «Ўзбекистон овози» газети жамғармасига ўтказишни сўрайман).

Ўзбекистон—Россия

АМАЛИЙ ЁРДАМ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МОСКВАДАГИ МУХБИРИ ФАХРИДДИН ПАРПИЕВ ХАБАР БЕРАДИ:

Республикамизда бозор-шароитига ўтиш, иқтисодий аҳволни яхшилаш билан бирга ёш, малакали кадрлар, педагог ва олимларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Иқтисодий оғир шароитга қарамай Республика Президенти ва ҳукумати кадрларни тайёрлаш, уларни жойжойига қўйиш, малакасини ошириш борасида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу тадбирлар орасида кадрларни янги программалар асосида ўқитиш мақсадида уларни докторантура ва аспирантураларга юбориш алоҳида ўрин тутади.

Биргина Москванинг ўзида бугунги кунда 135 нафар ўзбекистонлик докторант ва аспирант илмий-тадқиқот муассасаларида, ординатураларда билим ва тажрибаларини ошириш билан бирга, Москвадаги машҳур олим, академиклардан янги дастур, усуллар асосида таҳсил кўриб, ўзлари ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Бунинг сабаби бор, албатта. Республикамизда дўхтурлар сонини кўпайтириш эмас, балки сифатли, юқори даражали шифокорларга талаб-эҳтиёж ниҳоятда катта. Уларни тарбиялаш эса шифокор олимларнинг савияси ва санъатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам аввало бутун диққат-эътибор замон талабига жавоб бера оладиган дўхтурларни тайёрлашга қаратилган. Бу ўринда Москва, унинг илмий-тадқиқот муассасалари бугунги кунда ҳам илм-фан маркази бўлиб қолади ва бу соҳада бизга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Республикамиздан келган докторант ва аспирантларнинг аксарияти Ўзбекистон Фанлар академиясининг меҳмонхонасида яшайдилар. Ҳозирги жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, айниқса нарх-навонинг ошиб бораётганлиги толиби илмлар ва уларнинг оилаларига таъсир кўрсатяпти. Жумладан, уларнинг яшаш шароитини олиб кўрайлик. Меҳмонхона шароитида жойларнинг нархи, стипендияларни вақтида тўлаш, сафар ва бошқа ҳаражатларни қоплашда биринчи ва кечиктирилмай ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида ана шу муаммоларни ҳал қилишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда республика ҳукумати топшириғи билан бу ерга олимлар ва студентлар шароитини ўрганиш учун махсус келган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ва вазирликнинг фан, кадрларни тайёрлаш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари В. Кирилловлар қатнашдилар.

Йиғилганлар олдида элчи Юсуф Абдуллаев сўзга чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси очилгани, ҳозирги кунда амалга ошираётган ишлар, ходимларнинг Россия ва Ўзбекистон орасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқа, муносабатларни янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш хусусидаги олиб бораётган саъйи-ҳаракатлари, бу борадаги иккала мустақил давлат ўртасидаги мавжуд Шартнома ва Битимларни бажаришга қаратилган чора-тадбирлар билан таништирди. Олимлар орасида элчихона ходимлари олиб бораётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистонлик олим ва студентларнинг бу ердаги яшаш шароити, стипендияларини вақтида олмасликлари тўғрисидаги мавжуд камчиликлар ҳам ошкора тан олинди ва таъкидлаб ўтилди. Уларни яхшилаш борасида тадбирлар белгиланди. Музокаралардан сўнг, Ш. Каримов Москвада ўзбекистонлик дўхтурлар Кенгашини тузишни тавсия этди. Мазкур Кенгашнинг асосий вазифалари ҳам белгиланди. Унинг махсус фонди ҳам таъсис этиладиган бўлди.

НИШОН ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ўзбекистон истиқлолининг бир йиллиги муносабати билан кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ва уруш фахриялари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Мустақиллик» эсдалик нишони билан тақдирланган эдилар. Улар орасида юртдошимиз, шарқшунос олима, филология фанлари номзоди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, машҳур мерган, айни чоғда Москвада яшаётган Зебо Ғаниева ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида бу машҳур ўзбек қизига «Мустақиллик» эсталик нишонини топширишга бағишланган йиғилиш-тантана бўлиб ўтди. Мамлакат раҳбарияти топшириғига кўра элчи Юсуф Абдуллаев нишонни Зебо Ғаниевага топширди.

Москва.

• «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Соч эмас бу, шаршара...
Т. МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

• Саноат корхоналарида

ЧИННИ ҒИШТ

● Жарқўрғондаги қурилиш буюмлари тайёрланадиган корхонада ноёб ғишт ишлаб чиқарилди. Чертсангиз, чинни пиёлани жарангига монанд товуш чиқаради. Шундай бежирим, шундай чиройли ғишт. Чиннидан тайёрланганмикин, деган хаёлга борасиз. Катталиги оддий ғиштдан бир ярим баравар зиёд бўлса-да оғирлиги ундан ошмайди.

Ғиштнинг «масаллиғи» Жарқўрғоннинг оддий бархан қумидан. Заводнинг асли қумликда жойлашганини билсангиз, қум корхона учун «деҳқончилик». Қум билан оҳакнинг қоришмаси пиширилади, вассалом, ғишт тайёр.

— Бу ғишт 100 — 200 маркалилар сирасига ўтади, — дейди корхона директори Чори Бобоқулов. — Бунинг маъноси шуки, чинни ғиштимизнинг бир квадрат сантиметри 200 килограммлик кучга бардош беради. Демак, ундан беш қаватдан юқори уйларни ҳам қуриш мумкин. Бу вилоятимиз, қолаверса республикамиз миқёсида катта янгилик десак, муболаға эмас. Мен ўзим мутахассис сифатида бунақа ғишт илгари фақат Болтиқбўйи республикаларида ишлаб чиқарилганини биламан. Бунақа ғиштнинг бозори Россияда чаққон. Донаси 9 сўмдан. Биз одамларимизга икки сўмдан сал ошириб сотяапмиз.

Корхонага оҳак ҳам «деҳқончилик» — ўзлари ишлаб чиқаришади. Йилига 30 минг тонна. Бу ҳажм республикамиздаги бутун оҳактолаб корхоналарнинг эҳтиёжини таъминлайди. Яқинда корхонада яна бир янги цех очилди — 40 дан 90 миллиметргача бўлган мих тайёрлайдиган ускуна ўрнатилди. Биз энди мих билан бутун вилоятимизни таъмин этишимиз мумкин. Фақат сим — хом ашё керак.

Директорнинг столида ётган икки дона электрод таёқчасига кўзим тушди. Бу ҳам ўзлари ишлаб чиқара бошлаган маҳсулот. Ҳатто, карбит ҳам ўзларидан чиқаётган экан. Булар ҳақида суриштирмоқчи эдим. Бўлмади. Ҳар бир корхонанинг ўз ишлаб чиқариш сири бўлади, деди директор. Сенда фалонча электроду карбит бор экан. Шундан фалончасини бизга чўз, деб сўровчилар кўпаяди.

Бир корхонага борганимда, фонд йўқ, материал йўқ, электрод йўқ, оҳак йўқ, деб корхона бошлиғи қовоғини солиб кутиб олганди. Бобоқулов ҳам ўзимизнинг замонамизда яшаяпти. Чеҳраси очиқ. Кайфияти енгил. Ишлари ёмон эмас. Йилига 200 — 250 миллион сўмлик (ҳозирги нархда) маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонани хусусийлаштириб олиш ниятн бор.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мирза Карим
Моҳларойим
Романдан парча

Элликларга борган, тақия, оқиш яктак кийган хизматкор пилдираганча йўлга равона бўлганда айвонда Ойшахоним кўринди.

— Эргаш!

Хизматкор Ойшахоним овозини эшитиб орқасига бурилди ва эгилиб салом берди, айб қилган одамдай бош эгди, сўнг ўзини қўлга олиб айвон томон юрди.

— Хизмат, хонимойим!

— Саҳармардондан қаёққа отланяпсан?

Эргаш тутилиб қолди, тилини айлантирдию, худди биров ушлаб тургандай туюлаверди.

— Шундай ўзим! Моҳларойим иш буюриб эдилар. Аравани қўшар эканмиз.

— Нечук?

Эргаш елка қисди. Шу сония қарши хонанинг ўймакор эшиги очилди, остонада жонли гул пайдо бўлгандай эди. Бу — Моҳларойим эди. У волидасига кўзи тушибоқ, ўша томон юрди, оҳиста эгилиб салом берди. Ойшахонимнинг йирик кўзларида ҳаяжон уйғонди. Моҳларойимнинг йирик кўзларида ҳаяжон уйғонди. Моҳларойимнинг бўйи янада чўзилиб, кўҳли бўлганлиги шундоқ кўзга ташланиб турарди. Узун, қопқора сочлари орқасини тўлдирган, хипча белини пушти шойи кўйлаги, барқут камзули қучоқлаган, оёғидаги зар ўрнатилган кавуши қуёш нурида товланарди. Она-қиз бир-бирлари билан қучоқлаб кўришаркан, гўё вужудлари қўшилиб кетгандай бўлди. Соғинч, ифор устунлик қилдими, Ойшахоним қизининг у юзидан, кейин бу юзидан ўпиб қўйди.

— Йўл бўлсин, қизим.

Моҳларойим кўнглида банд берган туғённи бирма-бир айтишга ботинолмади, қисқагина қилиб:

— Ҳафиза отин ҳузурига бормоқчи эдим, — деди.

— Эрталабки ризқни қолдириб-а...

Моҳларойим бу сафар ёлғон сўзлашга ўтди.

— Йўғ-ей — деди чўзиб. — Ўрнимдан турганим қачонидию... Ҳатто Ҳафиза отиннинг топшириқларини ҳам уддалаб қўйдим. — Моҳларойим атайлаб ғазал битганини билдирмади.

Ойшахоним розилик бергандай бош силкиди. Моҳларойим кенг ва чиннидай озода ҳовлидан сузаётгандай ўтди. У ўймакорлик санъатининг энг моҳирлари томонидан ясалган кўш қанотли дарвозадан оҳиста ўтди-да, кунботар томонга бурилди. Бир томони гулзор, атиргулларнинг ҳиди анқийди, унинг ён томонида катта ҳовуз, суви ғоят тиниқ, танга балиқларнинг бир-бирини қувлаб юришларию, сувни чапиллатишгани шундоқ кўриниб турибди. Моҳларойим ҳар куни субҳидамда ҳовуздаги ана шу балиқларга термилади, оҳиста емиш ташлайди, балиқлар уни орзиқиб кутишаётгандай сапчишади. Моҳларойим ҳозир шу ерда бир муддат турғиси келдию вақтини қизғанди, тезроқ Ҳафиза отин ҳузурига боришга интилди.

Моҳларойим гулзор ёнидаги узун йўлка бўйлаб бораркан, ўрик ғўралари сут-қатиқлашиб қолганини сезди. Ана шу йўлнинг ўнг томони отхона эди. Эргаш аллақачон айтиб улгурибди — Сотим ота саман отни аравага қўшмоқда эди. Моҳларойим аравага чиқиб, ҳар галгидай гилам тўшалган жойга ўтириб, тиззаларини қучоқлади. Сатим ота орқага бир қайрилди-да, кўнгли тўлдими, қамчини кўтарган бўлиб «Чў, жонвор» деди. Саман отнинг туёқларидаги тақалари тошларни тақиллатиб йўрғалади.

Тақабой гузари Андижоннинг кунботар тарафида, паст-баланд уйлар, катта-кичик дарвозалар, узум ишкомлари, беҳию, нок, анжирнинг кони бўлган жой. Узум бозорининг сарҳил узумлари худди шу гузардан келтирилар, харидорлар Тақабой гузариданлигини билибоқ харид қилишарди. Ҳозир Сотим ота кўчалардаги сўритоклар остидан бораркан, қанийди, ҳамма гузар шундай бўлса деган ўй хаёлидан ўтди.

Саман от қўш дарвоза олдида секинлади. Сотим ота Ҳафиза отиннинкига етиб келганини от ҳам билганлигидан Моҳларойимга қаради. Моҳларойим аллақачон аравадан тушиб улгурган, кўйлаклари қатини тўғрилаётганди. У шоша-пиша дарвозани оҳиста очди. Ичкаридан райҳону жамбил ҳиди димоққа урилди. Ҳафиза отин айвонда, хонтахта ёнида китоб мутолаа қилиб ўтирган экан, дарвоза очилганинию, қўққисдан Моҳларойим таширф буюрганидан ҳам севинди, ҳам ҳижолат тортди.

— Тинчликми, ойим!

— Тинчлик, тинчлик, — сокин сўзлади Моҳларойим.

Ранги ўчган Ҳафиза отин кўйлаги ёқасини секин кўтариб «пуф-пуф»лади.

— Юрагим тушиб кетай дедия. Хайрият, марҳамат тўрга ўтинг.

Моҳларойим зинадан айвонга чиқиб, хонтахта атрофидаги барқут тўшакчага ўтирди. Ҳафиза отин пойгакдан жой олиб дуо ўқиди. Моҳларойим дастурхон ёзилишини кутмаёқ қўйнидан қоғозни авайлаб олди, ихлос билан очди, сўнг:

— Ҳузурингизга юрагим тошиб кетганидан келдим, — деди.

Ҳафиза отин қуллуқ қилди

— Бош устига, ойим. Уйимиз тўриси сизники.

Моҳларойим туни билан ғазал иштиёқида ўтириб чиққанию, сўнг субҳидамда уни қоралагани, уч-тўрт бор ўқигани, сўнг юраги тошиб мураббияси ҳузурига ошиққанини тўлиб-тошиб гапирди.

— Ўқинг, ўқинг, ойим.

Моҳларойим бир сония жим қолди. Унинг бутун фикри-зикри шу ғазалда, дилининг тори бўлиб янграган, йўқ—дил кўри қўшилган мана шу оҳангларда эди. Уни мураббияси ҳукмига ҳавола этяпти. Қандоқ бўларкин?! Нима деркин?! Қулмасмикин? Бўлмаяпти демасмикин?! Ҳозир Ҳафиза отиннинг Моҳларойим ғазал ўқишини интиқ кутаётганини ҳис этди-да, секин ва сокин ўқий бошлади. Моҳларойимнинг овозида қўрқинч уйғондию, шу сония унинг ўрнини ғазалнинг дарди, шираси босиб кетди. Энди у ҳаяжон, завқшавқ билан ўқир, Ҳафиза отиннинг жим бошини қуйи солганча эътибор билан тинглаётганини сезарди. Ғазални тамомларкан. Моҳларойим яна бир муддат жим қолди, ер остидан мураббияга ўгирилди.

— Кўп яхши, ойим. Кўп яхши! Йўқ, йўқ. Нодир. Ҳа, ҳа нодир ғазал. Ўзингиз ҳам нодирсиз. Истеъдодингиз ҳам нодир. Алқисса, таҳаллусингиз Нодира бўлса-чи?! Аҳа нима дедингиз, Нодира, ҳар томонлама мос.

— Нодира! — қайтарди Моҳларойим.

— Ҳа, ҳа, Нодира. Ғазални қайта ўқинг-а! Моҳигул ўрнида Нодира қўйиб ўқинг!

Моҳларойим Ҳафиза отин айтганидек ғазални оҳиста қайтарди. Ғазал мақтаъсида Нодира номи жаранглади, бу сўз Моҳларойимнинг ҳам, Ҳафиза отиннинг ҳам қалб торини чертиб ўтди.

— Узукка кўз қўйгандек, ойим.

Моҳларойим тасдиқ ишорасини қилиб, яна дилида «Нодира Нодира» деб қайтарди. Бу тахаллус унга ғоят яқин, азиз ва лазиз бўлиб қолганди...

Ҳозир Маҳбуба шақ-шақнинг хонадонида Ҳафиза отиннинг тўсатдан пайдо бўлиши уни ҳайратга солганди. Маҳбуба қўлидаги «Лайли ва Мажнун»ни хонтахтага қўяркан, мураббиясига ҳам шақиллади:

— Бети очилганини қаранг, отин биби, нуқул ўлдим-куйдимдан ўқийлик, дейди.

— Маҳбуба...

— Узингни гўлликка солма. Дардингни биламан.

Моҳларойим қип-қизариб кетди, ўғринча Ҳафиза отинга қаради.

— Эътибор берманг отин биби Маҳбуба ўзингиз билган шақ-шақ. Бунинг оғзи тинмаганиниэй...

Ҳафиза отин хандон отиб кулди, беихтиёр унга Моҳларойим ҳам қўшилди. Маҳбуба эса «ажаб қиламан» дегандай қош учириб қўймасди...

Моҳларойим Маҳбуба билан достон ўқиб кунни кеч қилар, тун кўрпасини ёйганда уйига равона бўларди. Йўл-йўлакай достон қаҳрамонлари, орзулари оғушида сарҳуш сезарди ўзини. Гоҳида Ширину Лайли муҳаббати ўзига ром этар, ана шу сиймоларга ҳаваси келар, муҳаббат эгаси бўлишни дил-дилидан истарди. Ойшахоним эса бўйи чўзилиб оқи оққа айланган Моҳларойимнинг пешонасидан ўпиб қўяр, сўнг секин хосхонага етаклар, саруполарни ўртага ёйиб кўрсатарди. Моҳларойим меҳробдаги сандиққа таҳланган пушти, қизғиш, гуллибарқут кўрпа, якандоз, ёстиқлардан турфа кўйлаклик, камзул, мурсак, лозимликлардан, шоҳи рўмолу ироқи дўппилардан, қутичага жойлаштирилган тилла билакузук, сирға, зебизаргардонлардан ҳайратланар, «Буларни кимга, нима учун қиляпсиз» дегандай термулар, волидаи беозор эса яна қизини бағрига босар, «Эл-юрт олдида бошимни баланд тутай, болам» дерди. Моҳларойимнинг рад этгиси келардию, аммо кўнглининг аллақаерида эл назарида, қизлар олдида ўз қадрини кўрсатгиси, бу кийимлигу тақинчоқлар бундан ҳам бисёр бўлишини истарди.

Истаса, орзуласа не айб?! Андижон ҳокимининг зебою иффатли, кўҳлию саводли қизининг овозаси етти иқлимга етган, кўчаларида «васорингни айлаб» деб бўғиқ ашула айтиб ўтгувчилар кўпайган. Моҳларойим шу он хаёлида бўлажак куёвни яна бир бор тиклади, унинг қадди сал тикроқ, юзлари чўзиқ, кўз ғазал ўқишини интиқ кутаётганини ҳис этди-да, секин ва сокин ўқий бошлади. Моҳларойимнинг овозида қўрқинч уйғондию, шу сония унинг ўрнини ғазалнинг дарди, шираси босиб кетди. Энди у ҳаяжон, завқшавқ билан ўқир, Ҳафиза отиннинг жим бошини қуйи солганча эътибор билан тинглаётганини сезарди. Ғазални тамомларкан. Моҳларойим яна бир муддат жим қолди, ер остидан мураббияга ўгирилди.

— Кўп яхши, ойим. Кўп яхши! Йўқ, йўқ. Нодир. Ҳа, ҳа нодир ғазал. Ўзингиз ҳам нодирсиз. Истеъдодингиз ҳам нодир. Алқисса, таҳаллусингиз Нодира бўлса-чи?! Аҳа нима дедингиз, Нодира, ҳар томонлама мос.

— Нодира! — қайтарди Моҳларойим.

— Ҳа, ҳа, Нодира. Ғазални қайта ўқинг-а! Моҳигул ўрнида Нодира қўйиб ўқинг!

Моҳларойим Ҳафиза отин айтганидек ғазални оҳиста қайтарди. Ғазал мақтаъсида Нодира номи жаранглади, бу сўз Моҳларойимнинг ҳам, Ҳафиза отиннинг ҳам қалб торини чертиб ўтди.

— Узукка кўз қўйгандек, ойим.

Моҳларойим тасдиқ ишорасини қилиб, яна дилида «Нодира Нодира» деб қайтарди. Бу тахаллус унга ғоят яқин, азиз ва лазиз бўлиб қолганди...

Ҳозир Маҳбуба шақ-шақнинг хонадонида Ҳафиза отиннинг тўсатдан пайдо бўлиши уни ҳайратга солганди. Маҳбуба қўлидаги «Лайли ва Мажнун»ни хонтахтага қўяркан, мураббиясига ҳам шақиллади:

— Бети очилганини қаранг, отин биби, нуқул ўлдим-куйдимдан ўқийлик, дейди.

— Маҳбуба...

— Узингни гўлликка солма. Дардингни биламан.

Моҳларойим қип-қизариб кетди, ўғринча Ҳафиза отинга қаради.

— Эътибор берманг отин биби Маҳбуба ўзингиз билган шақ-шақ. Бунинг оғзи тинмаганиниэй...

Ҳафиза отин хандон отиб кулди, беихтиёр унга Моҳларойим ҳам қўшилди. Маҳбуба эса «ажаб қиламан» дегандай қош учириб қўймасди...

Моҳларойим Маҳбуба билан достон ўқиб кунни кеч қилар, тун кўрпасини ёйганда уйига равона бўларди. Йўл-йўлакай достон қаҳрамонлари, орзулари оғушида сарҳуш сезарди ўзини. Гоҳида Ширину Лайли муҳаббати ўзига ром этар, ана шу сиймоларга ҳаваси келар, муҳаббат эгаси бўлишни дил-дилидан истарди. Ойшахоним эса бўйи чўзилиб оқи оққа айланган Моҳларойимнинг пешонасидан ўпиб қўяр, сўнг секин хосхонага етаклар, саруполарни ўртага ёйиб кўрсатарди. Моҳларойим меҳробдаги сандиққа таҳланган пушти, қизғиш, гуллибарқут кўрпа, якандоз, ёстиқлардан турфа кўйлаклик, камзул, мурсак, лозимликлардан, шоҳи рўмолу ироқи дўппилардан, қутичага жойлаштирилган тилла билакузук, сирға, зебизаргардонлардан ҳайратланар, «Буларни кимга, нима учун қиляпсиз» дегандай термулар, волидаи беозор эса яна қизини бағрига босар, «Эл-юрт олдида бошимни баланд тутай, болам» дерди. Моҳларойимнинг рад этгиси келардию, аммо кўнглининг аллақаерида эл назарида, қизлар олдида ўз қадрини кўрсатгиси, бу кийимлигу тақинчоқлар бундан ҳам бисёр бўлишини истарди.

Истаса, орзуласа не айб?! Андижон ҳокимининг зебою иффатли, кўҳлию саводли қизининг овозаси етти иқлимга етган, кўчаларида «васорингни айлаб» деб бўғиқ ашула айтиб ўтгувчилар кўпайган. Моҳларойим шу он хаёлида бўлажак куёвни яна бир бор тиклади, унинг қадди сал тикроқ, юзлари чўзиқ, кўз

— Эргаш, ўзинг бош бўласан ҳаммани ишга сол!

Эргаш қуллуқ қилди, эски ағдарма этигига тиқилган қамчинни қўлга олди. Қимирлаган одам ҳали эшик, дераза артар, ҳовузлар тозаланар, суви янгиланар, ҳовлию кўчалар қайта-қайта супуриларди. Терак ва толларнинг барги тушиб улгурмаёқ териб олинарди. Мешкобчилар Асака йўлигача кўчаларга сув сепа бошлашди. Араваларга хитойи гиламлар тўшалди, сара отлар меҳмонларни кутиб олишга танланди. Бир томондан карнай-сурнай, иккинчи томонда дор ўйинлари. Қизиқчилар, ноғорачилар, аскиячилар бир-бирини имлашиб, сендан олдин мен чиқай дейишиб, пайт пойлашиб туришибди. Новча, яктаги барини белбоғига қистириб олган хизматкор ҳовлининг бир четида ўчоқ ковлаяпти. Унинг ёнида пакана, ялтираган пешонасидан реза-реза тер оқаётган Холмат «Ер қаттиқ экан, қазилмаяпти» деб овоз берди. Ойшахоним бунинг боисини сезди, ўчоқ қазиётганларга чорси улашди. Холмат «Тўйга етказсин, ойи», деди-да, дурра билан пешонасини артиб қўйнига солди. Кейин ғайрати жўшиб «Қани менга беринг-чи» деди-да кетмонни зарб билан ура кетди. Ерўчоқдан сал нарида, қассоблар қулоғидан занжирланган новвосни анжирзор ёнига олиб ўтишди. Буқабўйин киши новвоснинг думидан маҳкам тортдида, оёғини кўтариб юборди. Мувозанати бузилган ҳайвон йиқилдию, бўкирди. Буқабўйин киши зудлик билан тўртала оёғини бирлаштирдию, арғамчилади. Новвос жон халпида туришга интилар, буқабўйин киши оғирлигини ташларди. «Пичоқ тортинг» ҳамроҳи пичирлаб дуо ўқиди-да, новвос бўйнига пичоқ тортди, ҳайвон бўкирдию, қоп-қора қон шариллаб отила бошлади.

Тўйни бир хонадон бошлаб берадию, бутун маҳалла давом эттиради. Раҳмонқулибийнинг кенг ҳовлиси гўё торлик қилаётгандай, яқин ўртадаги маҳалла-кўй эмас, бутун Андижон кўчиб келгандай эди. Бир томонда новвойлар бўрсилдоқ нон ёпишади, иккинчи тандирдан ширмон узиларди, иссиқ бу нонларнинг ҳиди димоғни қитиқлайди, карнай, ноғора товушини эшитган болакайлар ҳовлини тўлдирган, кимдир қассоб ёнида айланган, шолча, бўйра кўтарган, шажароб қилиб сув сепган. Эру хотин, бою хизматкор ўзи билан ўзи овора, хизматни тақсимлаб олгандай югургани югурган. Кимдир қўл ювишга обдастаю чилопчин кўтарган, яна бири сочиқ тутган, дастурхон солган, келинг-келинг деган. Ҳали марғилонлик меҳмонлар қадам қўймаёқ тўй қизигандан қизир, кўрганлар дармондаю, кўрмаганлар армонда эди.

Вақт пешиндан оққанда болаларнинг қий-чуви босиб кетди. «Келишяпти, келишяпти» овоз таралар, хизматчилар ўзларига қарашиб, бир-бирини қизғанишиб, яхшироқ жойни эгаллашар, ора-чорада қилаётган ишига қараб қўйишарди.

Тўртқўчада ўн-ўн беш отлиқ кўринди. Олдинда саман отда Раҳмонқулибий ёнидаги ёши бироз улуғ, оқ оралаган соқолини силлиқ тараган, оппоқ салласини бошига қўндирган Маъсумхон тўрага гапириб келарди. Маъсумхон тўра ғоят одобли, андишали, кўзларидан нур ёғилиб, оҳиста ва тоблаб гапирар, унинг сўзини ҳеч ким икки қилолмасди.

Дарвоза олдида беш-олти киши меҳмонларни қарши олишга, отдан тушишларига ёрдамлашишга шай туришарди. Маъсумхон тўра узангига оёқ қўйди-да, илдамлик билан ерга тушди, мезбон тулпор жиловини қўлига олиб отхона томон етаклади.

— Марҳамат қилсинлар, меҳмонлар, марҳамат! — Раҳмонқулибий Маъсумхон тўрага йўл бериб қўлини кўксига қўйиб турди.

Меҳмонлар дарвозадан ўтишиб кенг ҳовлига киришди-да, бирин-кетин қад кўтарган иморатлар, узун айвон сари юришди. Кунботардаги баланд айвонли уйнинг кенг хонаси меҳмонларга аталган эди. Меҳмонлар қат-қат тўшаклар солинган, лўлаболишлар қўйилган хонага киришаркан, Маъсумхон тўра баланд овоз билан дуо ўқиди, қўлини юзига суртди. Мезбонлардан бири «исмон-исмон исириқ, исмон исириқ» деб исириқ тутатди.

Маъсумхон тўра уй тўрисида лўлаболишларга тиззасини тираб бемалол ўтираркан, даврага бирма-бир назар солди. Кечадан бери йўл юриб ҳорибди шекилли, кўзини уйқу элта бошлади. Кейин ўзини бардам тутди. Дастурхон ёзилиб, нозне‌ъматлар тортиларкан остонада оппоқ рўмоли билан ўзини номаҳрамлардан пана қилаётган Ойшахоним пайдо бўлди. Раҳмонқулибий остона ёнидаги жойни кўрсатиб:

— Марҳамат қилсинлар, хоним,— деди.

— Қуллуқ.

Маъсумхон тўра ўтган-кетганлар ҳақига дуо қилдию, мақсадга ўтди

— Олимхон он ҳазратларининг инон-ихтиёри ила Андижонга қадам ранжида қилар эканмиз, бугунги кунда офтоб чарақлаб турганлигидан бошимиз осмондадир. Яхшига яқин юрсанг йўлинг мунаввар бўлур деган ибора бежиз айтилмаган. Он ҳазратлари кейинги пайтларда иниси Умарбек ҳақида кўп ўйлаб, кўп азият чекадир. Алқисса унинг бошини икки қилиш ҳақида кўп қайғурадир. Яхши қиз маҳалладан ошмас деган нақлни эсланг. Аммо он ҳазратлари Раҳмонқулибий исматидаги Моҳларойим Умарбек иқди ниқоҳига кўргузишни кўп ўйлайдир.

Раҳмонқулибий билан Ойшахоним ўринларидан туриб қуллуқ қилишди.

— Умрлари боқий, йўллари ойдин бўлсин, омин! — Маъсумхон тўра фотиҳа қилиб, узун соқолини оҳиста силади. Раҳмонқулибий жойига чўккалади. Ойшахоним орқаси билан юриб, хонадан узоқлашди. — Он ҳазратлари қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томоша қилиб, эл-улусга ош бериш ниятларини изҳор этдилар.

— Бош устига, бош устига.

— Душанба куни куёвнавкарлар ташриф буюргай. Умарбекнинг орзу-ихтиёрлари ҳам шу.

Раҳмонқулибий яна қуллуқ қилдида, меҳмонларни ноз-неъматлардан тановвул қилишга ундади. Дастурхони олий баҳор майсаларию лолаларидек кўркам ва тиғиз эди, асалу новвот, парвардаю нишолда, патиру ширмон, қаймоғу қатиқ... Меҳмонлар бирин-кетин енгларини шимариб дастурхон сари эгилдилар.

Дошқозонда палов дамланган, дамтовоқлар орасидан тотли ҳид таралар, унинг ҳиди айвону болохона, ую сўри, кўчалардаги одамларнинг иштаҳасини қўзғарди. Бир томонда бедана кабоб тайёрланар, новвойлар пешма-пеш хамир қорар, зувала қилар, ясар, чечиклар ва туйнукдан тандир ёнидаги тахтагача тўп-тўп этиб ташлади. Пешонасини боғлаган новвой нонни енгичага олиб уёқ бу ёғини тўғрилади-да, тандирга ёпиштирарди.

Тўй бола-чақа билан обод, файзли. Карнай,сурнай чалинганда болалар дув этиб ўша томонга чопар, улоқ чопилаётган майдонга югуришар, қозон ёнида «Бизга ҳам ош беринг» дегандай кўзини тикиб бурнини тортишарди. Ҳазилкаш кишилар болаларни бир-бирига баҳслаштириб қўярди. Баъзан кураш тушишар, чалиб йиқитгудай бўлса қайтатдан бел ушлатарди. Яна бир ўйин ип тортиш эди. Узун арқоннинг икки учи бир-бирига боғланарди-да, ўн-ўн беш боланинг бўйнию чотидан ўтказиларди. Болалар оёқларини ерга тираганча икки томонга тортишар, қўл учи билан ерни таталашар, бирор кўкатни ушлашга интилишар, кучи ожизлик қилишса орқага қараб судраларди. Болаларнинг куч билан тортишишларидан одамлар завқланиб кулишар, «ҳа полвонлар», «оз қолди, азаматлар», «пўқаласлик қилманглар» деб далда беришарди.

(Давоми. Бошн ўтган сонда).

4. 5. 6. 7. 8.

• Ёзувчи баҳсга чорлайди

Асад АСИЛОВ:

НЕГА ЛОҚАЙДСИЗ, ОДАМЛАР?

ХАЁТНИНГ бошию давоми она-табиат ҳолати билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, инсон-чи? Унинг табиатнинг гултожи, унинг мутлақ ҳокими деб эълон қилинган инсон атроф-муҳитга шунчалар таъсир ўтказдики... Шу йўлдан бориб, у ростдан ҳам борлиқни ўз ҳукмига бўйсундира олармикин?..

Биз — ёши ўтиб бораётган авлод кўз олдимизда содир бўлган ва ҳануз юз бераётган воқеалардан хулоса чиқариб айтадиган бўлсак, инсон табиатнинг ҳокими ҳам, ҳомийси ҳам эмас, бошқа жонзотлар каби бир зарраси, холос. Аммо ўз ўрнини билмаган ношукур бу банда онадек меҳрибонлик қилаётган бу табиатнинг заволи, кушандасига айланди. Айниқса, биз кўкларга кўтариб келган советлар замонида она табиатга ўнлаб бўлмас зарба берилганини, ашаддий кушанда деб айтиб келинган бегона жамиятларда эса ҳали ҳам инсоф борлигини эндигина билиб турибмиз. Буни лоақал бугун очиқ-ойдин тан олиш ва қолган-кутган имкониятлардан имкон борича фойдаланиб, ўз қўлимиз билан содир этган қора қилмишларимизни тузатиш тадоригини кўришимиз керак.

Инсон табиатнинг заволи ва кушандасига айланди, дедик. Айтилган ҳар бир гап ўз исботини топмаса, унинг қуруқ туҳматдан фарқи қолмайди. Ўз-ўзимизга қўяётган бу айб исботини эса худо яратган гўзал табиатга яқин ёки бевосита унинг бағрида яшаб турган инсонлар жуда яхши биладилар. Кечагина кўз ўнгимизда яшнаб турган яшил бойлик, ўйноқлаб юрган кўркам жониворлар, чиройли парвоз ва хониш қилаётган хилма-хил паррандалар бугун йўқ. Тип-тиниқ зилол сувларда солланиб сузувчи балиқларчи!

Бўстонлиқнинг юқори қишлоқларидан бирида яқинда дув-дув гап тарқалиб қолди: «Нима дейсан, бир гуруҳ табиат кушандалари тоғ анҳорларига турли хил заҳарли дорилар солишиб, балиқларга қирон келтираётган эмишлар!» Бу совуқ хабарни эшитгач, «Шўробсой», «Туятишсой» деган тоғ анҳорларининг сувларини кузатдик. Тик чўққилардан бошланиб, Чирчиқ дарёсига қуйилувчи бу ариқларнинг этагидан то бошигача кўтарилдик. Аввалари катта-кичик балиқлар ғиз-ғиз сузиб юрувчи бу сувларда энди ҳаёт асари кўринмасди. Аксинча, турли хил заҳарли моддалардан бўшаган катта-кичик идишлар ариқ ёқаларида, ҳовузларда тез-тез кўзга ташланади. Анҳорларни заҳарлаб балиқ овлаган табиат кушандалари ўйлашмайдики, ушбу сувдан бутун қишлоқ таъминланади, шу жумладан ўзларди деярли барчаси. Ва шу йўсинда табиат кушандалари тегирмонига сув қуйишаётганини ўзлари билишмасди. Аслида ҳар бир жойнинг халқи ўз теварагидаги бойликнинг, табиат ато этган ноз-неъматларнинг ҳақиқий эгаси-ку! Худди шу боис бу бойликларнинг биринчи қўриқчиси ҳам улар бўлиши лозим. Амалда эса ҳамма бир қолипга тушиб қолган: эл бойлигини, яъни ўз бойлигини ёппасига нобуд қилаётганларни кўриб-билиб турса-да, ўзини чеккага тортади, бошига «ғалва» ортиришдан қочади. Натижада «Шўробсой», «Туятишсой» каби битмас-туганмас хазиналар маконн биринкетин йўқолади, теварак-атроф ўлик сукунатга айланади. Бундай жойларда, табиийки, бора-бора ҳаёт бутунлай сўнади.

БИЗ «Шўробсой», «Туятишсой»ни Ўзбекистонимизнинг ҳамма тарафида юз бераётган кўнгилсиз воқеаларга бир мисол тариқасида келтирдик. Шу баҳонада халқимизни ўз ерининг, мустақил давлатининг ҳақиқий хўжайини бўлишга, табиат бойликларини жонкуярлик билан авайлаб-асрашга, ҳимоя қилишга ундаяпмиз.

Тўғри, бу вазифани зиммасига олган, шу йўлда қоғоз бетини қоралаётган ташкилотлар бор. Масалан, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва жамиятлари, ўрмон хўжаликлари, миллий боғ кабилар улар жумласидандир. Улар атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни сақлаш, вақти-вақти билан текширувлар ўтказиб, жиноятчиларни жазолаш сингари вазифаларни ўринлатиб боришлари керак. Бу ишлар умуман амалга ошириляпти-ю, «лекин»и ҳам бор-да. Халқимизда «Чўпон кўп бўлса, қўй харом ўлади», деган нақлнинг исботини ушбу соҳада кўриш мумкин экан. Биз номларини қисман санаб ўтган ташкилотларнинг ҳар бири табиатга ўзича хўжайин, уни ўз ҳолича ҳимоя қилади. Бирон жиддий ишкал чиқиб қолганда эса улар орасидан жавобгарни топа олмайсиз. Масалан, табиатни ҳимоя қилиш Давлат қўмитаси Чотқол тоғларини, шу жумладан Бурчимулла ўрмон хўжалиги майдонларини ғорат қилувчилардан сақлаш тарафдори Бурчимулла ўрмон хўжалиги маъмурияти эса ўз қўл остидаги ерларга қўй подалари ҳайдалишига рухсат бераверади. Айнан шу масалага дахлдор яна бир ташкилот — миллий боғ маъмурияти уларнинг бирон фазаси учун бирон ҳайрли иш қилмагач, аксинча ёввойи ҳайвон ва қушларга мудом қирон келтираверишини кўргач, одамлар қандай қилиб уларга ишонишсин, ҳайриҳоҳ бўлишсин?!

Аслида, ҳақиқий овчини қонунбузар (браконьер)дан фарқламоқ лозим. Кўпчилик ўйлаганидек, табиатга қирон солувчилар овчи эмас, унинг ашаддий кушандаларидир. Бундай баднафслар табиат ҳимояси ҳаммаси очиқ жавоб беришдан, жиноятчини кўрсатишдан ўзини олиб қочар, гапни чалғитарди. «Кимлигини биламиз-у, бўлар иш бўлгандан кейин... нима кераги бор», деб қўйилмаслиги учун ҳамма ишлаб чиқаришлар ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилиб, ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро Тошкент кинофестивали

ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА



Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчилари Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига бордилар.

Уч қитъа кино арбоблари, оламга машҳур актёрлари Кенсойнинг жаннатга бергусиз боғларига қадам ранжида қилишди. Уларни атлас либосдаги қизлар карнай-сурнай наволари остида нон-туз билан кутиб олдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар қўли гул инсонлар яратган боғ-роғларни кўздан кечирдилар. Олтиндек товланиб, шарбатга тўлган узумлару қирмизи олмалар, нашвати ноки-ю боққанда кўз қувонадиган беҳилар санъат аҳлини мафтун этди.

Бирлашма бош директори Маҳмуд Мирзаев фестиваль меҳмонларини илмий даргоҳ олимлари яратган ўнлаб мева, узум ва цитрус ўсимликларининг янги навлари билан таништирди.

— Ўзбекистонда биринчи бўлишим, — дейди покистонлик машҳур актриса Самина Пирзода. — Жаннатмакон ўлкада яшар экансизлар. Одамлари гўзал, айниқса, қизлари гўзал, йигитлари эса шу гўзалликка ярашиқ экан... Бир пиёла чой устида ширин суҳбат бўлди.

П. НИШОНОВ, (ЎзА мухбири).

Суратларда: фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари.

(ЎзА).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

Тошкент вилоят шартнома савдосининг Тижорат—ахборот маркази Ўзбекистон Давлат шартнома савдосининг Тошкент шаҳар шартнома савдосига қарашли тижорат-ишлаб чиқариш маркази билан ҳамкорликда

1992 ЙИЛНИНГ

21—22 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

корхоналар, ташкилотлар, идоралар, ширкатлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, хусусий корхоналар эгалари ва фермерлар учун

МИНТАҚА ТАЖРИБА-САНОАТ

ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ОЛДИ-СОТДИ САВДОСИДА:

— техник маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган материаллар, хом ашё ва бошқа товарлар мавжуд.

— корхоналар ўртасида маҳсулотларни алмаштириш ва етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш мумкин.

— ишлатилмаётган маҳсулотларни, ностандарт жиҳозларни хўжалик оборотига жалб этиш имкони бор.

Ярмарка манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 30. «Темирйўлчилар» маданият саройи.

Ярмаркада қатнашишга буюртмалар қуйидаги манзилгоҳга берилади: 700025, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 79. Тошкент вилоят шартнома савдосининг Тижорат—ахборот маркази.

Маълумот учун телефонлар: 55-12-60, 55-12-71, 54-84-18, 54-65-32, 54-65-21.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ЭЛЕКТРОНИКА РИВОЖЛАНМОҚДА

● Чуст шаҳридаги «Барнон» заводида рангли телевизор, видеомагнитафон, радио ва тўрли магнитафонлар учун эҳтиёт қисмлар, ярим ўтказгичлар тайёрланмоқда. Энг муҳими, бу ноёб маҳсулотни маҳаллий кадрлар ишлаб чиқаряптилар.

— Заводимизда юз фоиз маҳаллий кадрлар ишлайди, деди завод директори С. Нуриддинов. — Йигит-қизларимиз қўли билан тайёрланаётган маҳсулотимизнинг 99,9 фоизи Ўрта Осиё мамлакатларидан четга чиқарилади. Айни пайтда 1800 дан ортиқ корхона билан алоқа қиляпмиз. Келажакда ўз маҳсулотларимиз билан хорижий мамлакатларга, жаҳон бозорига чиқиш ниятидамиз.

Чиндан ҳам завод жамоаси ўз олдига қўйилган вазифани уддаламоқда. Уларга қулайлик яратиш мақсадида яқинда янги ишлаб чиқариш биноси фойдаланишга топширилди. Бу билан заводнинг ишлаб чиқариш қуввати икки ҳисса кўпайди. Жорий йилда 140 миллион сўмлик, келгуси йилда эса 300 миллион сўмлик иш бажариш режалаштирилган.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

ТЕГИРМОНЛАР КУПАЙДИ

● Навбаҳор районидаун танқислиги деярли ҳал бўлди. Чунки кейинги икки йил давомида районда ўнга яқин электр қуввати билан ишлайдиган ихчам тегирмонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Биргина «Гигант» давлат хўжалигининг ўзида айни пайтдаёқ учта тегирмон унум билан ишлатилаяпти. Ҳар куни 7—8 тонна буғдой тортилиб, меҳнаткашлар оғири енгил қилинмоқда. Райондаги яна бир хайрли иш бу — хонадонларда шахсий тегирмонларнинг кўпайиб бораётганлигидир. Эндиликда Ўктам Пўлатов, Искандар Тўхтаевнинг шахсий тегирмонлари бор.

Музаффар ШАРОПОВ.

● АНДИЖОН

ШОИР РУҲИНИ ШОД АЙЛАБ

Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Бобурнинг руҳи шодланадиган бўлди. Андижоннинг энг баҳаво Боғишамол даҳасида Бобурнинг рамзий қабри қад кўтарди. Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари у босиб ўтган йўллар бўйлаб сафардан қайтаётиб, шоирнинг Кобулдаги қабридан олиб келган муқаддас тупроқ шу қабрга қўйилди.

Маросимда вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва районларнинг раҳбарлари, шоиру ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

(ЎзА мухбири).

• Ўзбекистон ва жаҳон

Яқинда дўст мамлакат — Ҳиндистонда Ўзбекистон санъати ва маданияти фестивали катта муваффақият билан ўтди. Бу тадбир республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги ва ҳинд халқининг улуғ фарзанди Мҳатма Ганди таваллудига бағишланди.

ҲИНДИСТОН ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА САНЪАТИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Фестивални ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва унинг қошидаги «Феникс — Гули» интернеэшнл» қўшма корхонаси Ҳиндистон томонига таклиф киритган эдилар. Деҳлидаги «Ашок» меҳмонхонаси бу таклифни бажонидил қабул қилиб, фестиваль тадбирлари учун барча имкониятларни яратиб берди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин бу хорижий мамлакатларда ўтказилаётган катта маданий тадбирлардан бири эди. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар санъат ва концертчилик жамоаларининг олдига ҳам талай муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Битта ижрочилик жамоасининг хорижий мамлакатга гастрол қилиши учун харажатларга фалон миллион сўм талаб қилинмоқда. Ана шундай оғир пайтда «Феникс — Гули» қўшма корхонаси ўзбек авиакомпанияси билан бир ёқадан бош чиқариб, хайрли ишга қўл урди. Маданий тадбирга Ҳиндистонда ҳомийлик қилиш, яъни меҳмонхонада яшаш, пассажир транспорти, овқатланиш, майда-чуйда ишлар учун харажатларни зиммасига оладиган сахий ташкилот топилди.

Ҳиндистонда 1958 йилда катта халқаро анжуманлар, конгресслар ўтказиш мақсадида бунёд этилган «Ашок» улкан меҳмонхонаси ўзининг қатор қулайликлари билан ўзбек санъатига хизмат кўрсатишга пешвоз чиқди. Ўзининг қўша-қўша катта заллари билан ҳар қандай маросимларни ўтказишга қулай бўлган бу маскан тенгсиз маданият даргоҳи экан. Меҳмонхонанинг биринчи ва учинчи қаватлари, минглаб томошабинлар жо бўладиган заллар Ўзбекистон санъати усталари ихтиёрига бир ҳафта мобайнида бериб қўйилди.

Концерт чоғида ҳар бир номер ижро этилаётганда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари манзараси лавҳалари экранда ўтиб турди. Ҳар бир шаҳар тимсоли намоён бўлганда, ўшанга хос ва мос қўшиқ, рақслар авжига чиқар эди.

«Феникс—Гули» корхонаси бу фестивални тўлақонли ва ихчам жамоа билан ўтказиш мақсадида турли санъат даргоҳларининг истеъдод соҳибларини танлади. Муҳиддин Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси созандалари, «Шодлик» давлат ансамбли санъаткорлари, «Баҳор» ансамбли рақосалари ана шу ҳайрли ишга таклиф этилган эди. Бу санъаткорлар фестивалнинг ҳар томонлама мазмунли ва жозибали ўтиши учун катта куч-ғайрат сарфладилар.

Томошабинлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовнинг «Лаган», «Ёғоч оёқ» ўйини» рақсларини узоқ олқишладилар. Моҳир қўшиқчи, хушовоз хонанда, республикада хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров ўзининг ҳофизлик ижроси билан ҳинд томошабинларининг таҳсинига сазовор бўлди. Хонандалик жанрида шуҳрат таратаётган ёш ва ширали овоз соҳибаси Марям Саттороанинг қатор қўшиқлари ҳаммага манзур бўлди. Унинг «Мустаҳзод», «Муножот» сингари ашулалари томоша зали бўйлаб баланд пардада янграганда ҳиндлар қарсаклар чалиб туришди.

Ўзбек миллий рақслари мезбонлар қалбига гўё чўғ солди. Республикада хизмат кўрсатган артист Рушана Султонова, Гулнора Низомова, рақкосалардан Гулмира Ширинова, Гўзал Мансурхўжаева, Раъно Зокирова ва бошқалар ижро этган «Андижон», «Фарғона», «Наманган», «Пилла», «Лазги», «Қўғирчоқ», «Тантана» рақслари ўзининг таровати ва шўх жозибаси билан фестивалга файз киритди. Бу санъат ўзбекларнинг қалби саховатли, диёрни гўзал, миллий урф-одатлари қадимий ва ранг-баранг эканлигини ҳинд томошабинлари кўзи олдида намоён этди.

Ҳиндистон газеталари бу фестивал ҳақида қатор мақолалар ва хабарлар, рекламалар босиб чиқарди.

Ўзбек санъати ва маданияти фестивали Деҳлида катта муваффақият билан ниҳоясига етди. Унинг охирги кунги концерти чинакам дўстлик байрамига айланди. Ана шу пайтда бир неча киши билан гаплашиб, улардан бу фестивалнинг аҳамияти ҳақида гапириб беришларини сўрадик.

Гулчеҳра ЮСУПОВА, «Феникс—Гули» қўшма корхонасининг бош директори: — Ҳиндистон гўзал ва қадимий диёр. Унинг санъати жаҳонда юксак ҳисобланади. Биз ўзимизнинг ўзбек санъатимиз билан ҳинд санъатининг панжасига панжа уриш билан бирга, энг муҳими бу диёрда мустақиллигимизни тарғиб этишга муяссар бўла олдик. Узоқ даврлик топталиш ва қаноатсизланиш натижасида санъатимизни ер курраси аро намойиш этиш жуда ҳам қийин бўлиб қолган эди. Эндиликда эса биз ўзимиз парвоз қиладиган ва исталган жойга қўлимизни узатсак етадиган бўлдик. Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яқиндан ҳомийлик қилиб, ҳаво транспорти хизматини ўз зиммасига олмоқда. Бундан ташқари телерадио компанияси, «Шарқ» концерни фестиваль учун яқиндан амалий ёрдам бердилар. Бу фестиваль энг аввало ўзбек ва ҳинд дўстлиги тарихида янги саҳифалар очади. Бир сўз билан айтганда мақсадга эришдик. Бундай тадбирларимиз бошқа мамлакатларда ҳам ўтказилади.

— Мистер ГУПТА, «Ашок» меҳмонхонаси хўжайини: Ўзбекистон санъатига мафтун бўлдик. Бу тадбир дўстлик алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келгусидаги муносабатларимиздан умидларимиз катта.

МАТИКОС, АҚШ дипломати: — Мен хизмат юзасидан Деҳлида ишлаб турибман. Кутилмаганда афишани ўқиб, бу фестивалга келдим. Ўзбек йигит ва қизларининг санъати менга бутун Шарқ оламининг нафосатини ҳадя этди. Бундан ташқари дастурхонга қўйилган ўзбекча миллий таомлар лаззатини кўп вақт эслаб юрадиган бўлдим. Пазандачилик ҳам санъат экан. Фестивалда ана шу икки маҳорат бирлашганлигини кузатдим.

К. СИНГ, Ҳиндистон фуқароси: — ғоятда жозибали санъат. Унинг қай бир жиҳатлари ҳинд ижрочилигига ҳамоҳанг бўлиб кетади. Мусиқа ва рақс бир-бири билан жуда ҳамоҳанг. Айни чоғда ўзбек меҳмондўстлигининг намунасини ўз кўзим билан кўрдим.

Р. ШАРМАН, «Индиан Экспресс» газетаси мухбири: — Мен касбим бўйича санъат жамоаларининг чиқишларини матбуотда ёритаман. Бундай гўзал концертни камдан-кам кўрганман. Сизнинг маҳоратингизга балли.

Ш. ВАЗЕН, Грузия тижоратчиси: — Мен хизмат юзасидан Ҳиндистонда сафарда эдим. Ана шу концертни кўриш мен учун ўзига хос бурч ҳам бўлиб қолди. Чунки биз грузинлар ўзбеклар билан қардош халқлармиз. Бундай ижрочиларни жаҳонда шуҳрат қозонган энг машҳур ижрочилик жамоалари маҳорати билан тенглаштириш мумкин.

Мухбир: Ҳиндистонда Ўзбекистон санъати ва маданияти фестивали халқаро алоқаларимизни ривожлантиришда муҳим тадбир бўлиб қолади. Республика миллий авиакомпанияси ва «Феникс—Гули» қўшма корхонаси ташкилотчилигида бу фестивал мустақил Ўзбекистон санъатини жаҳон даврасида кўз-кўз этди.

Абдулла ПЎЛАТОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири. Тошкент—Деҳли— Тошкент.

ДУРАНГЛАР ЗАНЖИРИНИНГ СИРИ

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ҒАЛАБАЛАР • МУТАСАДДИ FIDE МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

Дуранг натижалар ҳисобга олинмаслиги туфайли баҳснинг икки қисмга бўлинишини одатдагидек ўйналган партиялар сони эмас, балки эришилган ғалабалар сони белгилайди: бир томон зарур 10 ғалабанинг яримсини олишга улгурган экан, демак маррагача қолган масофа иккинчи ярми бўлади.

Белграддаги биринчи, умумий сана бўйича эса ўн иккинчи учрашувда қора доналарни сурган Фишер эски ҳинд усулини қўллади. Шоҳлар ҳар хил томонга рокировка қилинганлиги бўлажак кескинликдан нишона эди. Кучларни гуруҳлаштириш жараёнида шу нарса аён бўлиб қолдики, Фишер кутган таҳликавий йўл ўзига эмас, рақибига қўл келиб турибди-да. Спасскийнинг зарбдор катта сипоҳлари қора шоҳ қалъасига ўқталиб охири, аввал моддий устунликни, сўнгра ғалабани таъминлади. Орадаги фарқ бир очкога камайди — 5:3.

Оролдаги сўнгги учрашувда эришган ажойиб ғалабадан «мазаҳўрак» бўлиб қолган шекилли, американинг гроссмейстер 13-партияда ҳам ўша усулни такрорлади. Эрта кунда филни отга алмаштириш одатда оқларга афзаллик келтирмайди. Лекин бу умумий мулоҳаза, Фишернинг эса бунга ўз қарашлари мавжуд. Спасский бу сафар муҳим марказий хоналарни назорат қилиб туриш йўлидан борди. Узоқ вақтгача афзаллик қайси томонда эканлиги номаълум бўлиб турди. 45-юришда дурангга имзо чекилди.

Қабул қилинган фарзин гамбити деганда қоралар рақиби қурбон қилаётган пиёдани иккинчи юришдаёқ олиши кўзда тутилади. 14-партияда Фишер шу йўлни танлаб, ўн бештача юриш орасида вазиятни батамом тенглаштиришга эришди ва дуранг таклиф қилди. Бундай ҳол унинг турнир фаолиятида жуда кам учраган: у жанг қилишни яхши кўради.

— Тезпишар дурангни кўзлаб ўйнашдан кўра шахмат тахтасига яқинлашмаган маъқул, — деган эди у бир вақтлар.

Баҳс низомига кўра ўйин бир соатдан ортиқ давом этмаса, ўша куниёқ иккинчиси ҳам ўйналиши керак. Бунга тоби йўқ Спасскийнинг 16-юришда дурангга кўнмаганлиги равшан. 14-учрашув барибир дуранг билан якунланди, аммо бу ҳол 32-юришдагина рўй берди.

Фишер 12-учрашувни ўзига хос бўлмаган суст ҳимояланиш тарзида бой берганлиги, кейинги икки ўйинда эса дуранг билан кифояланганлиги матч тевараги да узунқулоқ фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқарди. Гўё матчга бўлган қизиқиш бирдан сўниб қолмаслиги учун Фишер жўрттага шундай қилаётганмиш. Бунинг исботи тариқасида 1972 йилги жаҳон биринчилигида у Спасскийга дастлабки икки ўйинда очко берганлигини рўкач қилмоқдалар. Бу фикрни астойдил қувватлаш қийин бўлса-да, бунга ишонса ҳам бўлади.

Каталонча дебютни ишга солар экан Фишер 15-партияда ҳарифига қатор стратегик муаммоларни ҳал қилиш вазифасини кўндаланг қўйди. Спасский бунинг уддасидан чиқди ва томонлар учинчи бор битимга имзо чекдилар. Ҳисоб американинг фойдасига 5:3 лигича қолди. Зеро, Фишер 16 ва 17-учрашувларда ниятига етди. Аммо 18 ва 19-учрашувлар дуранг бўлди. Фишер олдинда 7:3.

Футбол

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛДИ

● ТОШКЕНТДА «Осиё» кубоги учун ҳал қилувчи учрашувлардан бири ўтказилди.

«Пахтакор» ўйингоҳида Ўзбекистон ва Қозоғистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бу учрашув футболчиларимиз учун муҳим аҳамиятга эга эди. Боиси 7 очко билан пешқадамлик қилаётган республика терма жамоасининг бош соврин учун асосий даъвогарлиги масаласи деярли ҳал бўларди. Афсуски майдон эгалари учрашувда ҳужумкорлик билан имкониятлардан етарли фойдаланишни ўрнига қўйишолмади. Учрашувда 2 та тўп киритилди. Меҳмонлардан Р. Дўстмамбетов ҳисобни очган бўлса, А. Абдураимов 11 метрлик жарима тўпини тепиб, ҳисобни тенглаштирди. Учрашувнинг иккинчи қисмида Азамат яна бир шундай имкониятдан фойдаланолмай, мухлисларни ранжитди. Шундай қилиб, футболчиларимиз ҳисобидаги очколар 8 тага етди. Қозоғистон терма жамоасида 7 та очко бор. Туркманистон — Қирғизистон жамоалари ўйинида 4:0 ҳисоби қайд этилди. Энди навбатдаги учрашувлар 25 октябрда бўлади. Бунда Туркманистон — Ўзбекистон, Қозоғистон — Қирғизистон жамоалари майдонга тушадилар.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ОЙДИН ХОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА.
● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАКИДА ЛАВҲАЛАР).
● «ФЕРУЗ ДАРГОҲИГА ЙЎЛ ОЧИҚ».
● ШАҲАР МАВЗУИДА: «ҲАМ КУЯСИЗ, ҲАМ КУЛАСИЗ».
● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАҒЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ХАЛОЛ ЛУҚМА».
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТЎЗУҚЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти.

1993—1994 ўқув йили учун

сиртқи бўлимнинг 1-курсига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— Гидромелиорация — сув хўжалиги муассасаларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш бўйича кенг ихтисосли сув хўжалиги муҳандислари тайёрлайди.

— ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ — сув хўжалиги муассасаларини қуришда ва ишлатишда қўлланиладиган қурилиш ва мелиоратив машиналарини лойиҳалаш, ишлатиш ва таъмирлаш бўйича механик-муҳандислар тайёрлайди.

— ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ—деҳқончилик ва чорвачиликни механизацқялаштириш бўйича кенг ихтисосли муҳандис-механиклар, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича муҳандис-ўқитувчилар тайёрлайди.

— АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ СОҲАЛАРИДА ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ — сув хўжалигида қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг иқтисодий ва ташкилий фаолияти учун иқтисодчилар тайёрлайди;

— Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарини энергия билан таъминлаш, электротехник ва иссиқлик энергияси ускуналарини бошқариш, такомиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича муҳандис-энергетиклар тайёрлайди;

— Ер тузиш — кенг ихтисосли ер тузувчи муҳандислар тайёрлайди.

Аризалар 16 ноябрдан 31 декабргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари эса 3 январдан бошланади, институтга қабул қилинганларни рўйҳатдан ўтказиш муддати 1 февралгача.

Аризага ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисида 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат, иш муҳлати кўрсатилган меҳнат дафтарчаси кўчирмасининг нусхаси, иш жойидан тавсифнома кабилар қўшиб топширилиши шарт.

Фуқаролик ҳақида ҳужжат (паспорт) ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилиши керак.

Барча мутахассисликлар бўйича қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширилади: математика (ёзма), физика (оғзаки). Бу фанлар конкурсли имтиҳонлар ҳисобланади. Конкурссиз имтиҳон она тили ва адабиётидан ёзма иш (диктант).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медал ёки ўрта махсус ўқув юртларини, шунингдек ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган абитуриентлар математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Агар «5» баҳо олсалар, қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар, «4» ёки «3» баҳо олсалар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Институтга Ўзбекистон Республикасида 1992 йилги қабул қоидаларига асосан имтиҳонлар натижаси ва баллар сонига қараб қабул қилинади.

Имтиҳонларни муваффақиятли топширган имтиёзли гувоҳномага эга истеъфодаги ҳарбий хизматчилар, етим ва ота-онасиз тарбияланганлар, тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосасига кўра институтда ўқишга руҳсат берилган I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, хўжалик ва ташкилотлар шартномалари билан ўқишга юборилганлар конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Институт манзили. 700000 Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Телефон 35-75-21.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
Қуйидаги мутахассислар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ ВА ФАРМАКОГНОЗИЯ:
кундузги бўлимга 2 та ўрин;
сиртқи бўлимга 1 та ўрин;
— ДОРИ ТУРЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ФАРМАЦИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ:
кундузги бўлимга— 2 та ўрин;
сиртқи бўлимга — 1 та ўрин;

Ҳужжатлар 10 ноябрдгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари — 1992 йил 15 ноябрдан бошланади.

Манзилгоҳимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида. А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.00. Г—394. № 204. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.